

Мен жуда рашкчи аёлман



16:00 / 07.08.2019 3053

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу фидокор саҳобияни ўзига яраша тақдирлашга қарор қилдилар. Унга уйланмоқчи ва унинг бошига тушган қийинчиликларни енгиллатмоқчи бўлдилар. Умму Салама розияллоҳу анҳо идда ўтирганида у зот шунга ишора қилиб қўйдилар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Абдурроҳман ибн Сулаймондан, у киши эса холаси Сукайна бинти Ханзаладан қилган ривоятда Сукайна айтадилар:

«Идда ўтирганимда олдимга Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Али кириб:

«Менинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга яқинлигимни, бобомнинг мендаги ҳаққини яхши биласан, қадимдан буён Ислонда эканимни ҳам биласан», деди.

«Эй Абу Жаъфар, Аллоҳ Ўзи сени кечирсин. Иддада ўтирсам-у, шунчалик олим одам бўла туриб, совчилик қиляпсанми?!» дедим.

«Қачон ундай қилдим? Мен сенга Пайғамбар алайҳиссаломга яқинлигимнинг хабарини бердим, холос. Умму Саламанинг эри Абу Салама вафот этганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг олдида кириб, ўзларининг Аллоҳ ҳузуридаги мартабаларини сўзлаб ўтиравериб, қўлларига бўйра ботиб кетган. Ўша ҳам совчилик ҳисобланмаган», деди».

Умму Салама розияллоху анхонинг иддаси чиққанидан кейин эса ошкора совчилик қилиш бошланган.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал қилган ривоятда Умму Салама розияллоху анҳо қуйидагиларни айтадилар:

«Бир куни Абу Салама Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳузурларидан келди-да:

«Пайғамбар алайҳиссаломдан бир гап эшитиб, жуда хурсанд бўлдим, у киши:

«Мусулмонлардан бирига мусибат етганда истиржоъ айтса ва сўнгра «Аллоҳумма! Ажирнии фии мусийбати вахлуф лии хойром-минҳа» («Аллоҳим! Менга мусибатимда ажр бергин ва унинг ўрнига яхшироғини бергин») деса, айтгани бўлади», дедилар», деб айтди.

Буларни мен ёдлаб олдим. Абу Салама вафот этганида истиржоъ айтдим ва ҳалиги дуони ўқидим. Сўнгра ўзимча «Менга Абу Саламадан яхшироқ эр қайда?», дедим.

Иддам чиққанидан сўнг Расулуллоҳ келиб, киришга изн сўрадилар. Тери ошлаб ўтирган эдим. Қўлимни ювиб, киришларига изн бердим. У кишига ичига хурмонинг юмшоқ қобиғи тўлатилган тери ёстиқ бердим. Ўтирганларидан сўнг менга уйланмоқчи эканларини айтдилар. У киши гапларини тугатгач, мен:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Сизга рағбат қилмаслигим мумкин эмас, лекин мен жуда рашкчи аёлман. Мендан сизга ёқмайдиган нарса содир бўлиб, Аллоҳнинг азобига дучор бўлмай, деб қўрқаман. Сўнгра ёшим катта бўлиб қолди. Бунинг устига, болаларим бор», дедим.

Расулуллоҳ алайҳиссалом:

«Сен айтган рашкни Аллоҳ тезда кетказди. Ёш тўғрида гапирсанг, менинг ҳам ёшим бир ерга бориб қолди. Болаларинг бўлса, улар менинг ҳам болаларим», дедилар.

Аллоҳ менга Абу Саламанинг ўрнига ундан яхши зотни – Расулуллоҳни берди».

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан